



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



ФАКТОРИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ШАРҲИ

2024 йил якуни буйича

Тошкент 2025


Факторинг хизматлари бозори шарҳи

Мазкур шарҳ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги “Факторинг хизматлари бозорининг жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-109-сонли фармони ижроси бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, факторинг тушунчаси, турлари, амалга ошириш механизми, факторинг бозори иштирокчилари томонидан қўлланилаётган дисконт ставкалар, факторинг хизматлари кўрсатилган соҳалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

I. Факторинг тушунчаси ва унинг аҳамияти

1. Таъминот занжири — бу маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолга етказиб бериш жараёнидаги барча босқичлар кетма-кетлигини ифодаловчи ҳаракат бўлиб, ушбу жараёнда кўплаб ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ва истеъмолчилар иштирок этади.

1-расм. Таъминот занжири схемаси



Таъминот занжири ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг узлуксизлигини таъминлашда муҳим бўлиб, унинг бирон-бир босқичида узилиши ўз навбатида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатилиши узлуксизлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шу муносабат билан, кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан таянч (йирик) корхоналарга етказиб берилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва қўшимча оворагарчиликларсиз амалга оширилишида замонавий молиявий инструмент сифатида “факторинг” хизматидан кенг фойдаланилади.

2. Факторинг операциясининг ишлаш схемаси

2-расм. Товар учун анъанавий усулда тўловни амалга ошириш схемаси



Факторинг – пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш хизмати ҳисобланади. Факторинг ички ва халқаро савдони ривожлантиради ҳамда қисқа муддатли молиялаштиришнинг самарали воситаси бўлиб, бизнес вакилларига айланма маблағлардан тез ва осон фойдаланишни таъминлайди. Факторингни **молия агенти** сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари тузиши мумкин.

3. Факторинг турлари

Анъанавий факторинг Факторинг амалга ошириш ташаббускори - товар етказиб берувчи тадбиркор.	Тескари (реверсив) факторинг Ташаббускор – сотиб олувчи тадбиркор.
Бир факторли Маҳаллий амалиётларда қўлланади ҳамда фақат дебиторлик қарзлари буйича молиялаш хизматини таклиф қилади.	Кўп факторли Халқаро амалиётларда қўлланади ҳамда молиялашдан ташқари дебиторлик қарзига доир маблағларни йиғиш, уларни бошқариш каби бир нечта қўшимча хизматларни ўз ичига олади.
Регресс ҳуқуқи билан Агар сотиб олувчи тўловни амалга оширмаган тақдирда, банк тўловни етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.	Регресс ҳуқуқисиз Банк тўловни фақатгина сотиб олувчидан талаб қилиб олиши мумкин.
Очиқ Товар ва хизматлар сотиб олувчи корхона тўлов банкка амалга оширилиши тўғрисида хабардор этилади.	Ёпиқ Товар ва хизматлар сотиб олувчи тўловларни банкка амалга оширилиши кераклиги тўғрисида хабардор қилинмайди.

Факторинг операциялари анъанавий ва тескари (реверсив), маҳаллий ва халқаро, бир ва кўп факторли, ҳуқуқи бўйича регресс ва регрессиз ҳамда очиқ ва ёпик каби бир нечта турларга бўлинади. Мисол учун анъанавий факторингда ташаббускор товар етказиб берувчи бўлса, тескари (реверсив) факторинг турида факторинг амалиётлари сотиб олувчига кўрсатилади.

Факторинг хизматлари анъанавий кредит маҳсулотларига нисбатан расмийлаштириш муддатининг қисқалиги ва энг асосийси гаров таъминотининг талаб этилмаслиги каби мезонларга мувофиқ устунликларга эга ҳисобланади.


Факторинг хизматлари мол етказиб берувчилар, агентлар ва дебиторлар учун ҳам бир нечта қулайликларга эга. Яъни, мол-етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчиларда гаров таъминоти талаб қилинмаган ҳолда айланма маблағларга бўлган эҳтиёж тез ва осон қондирилади. Факторинг хизматларини кўрсатувчи молия агентлари учун мижолар базаси, банк амалиётлари сони ва фоизсиз даромадлар ошади.

Ўз навбатида, факторинг хизматлари орқали дебиторларга (таянч корхоналар) мол етказиб берувчилар сонининг ошиши, бу орқали рақобат шаклланиши ва харажатлар камайишига олиб келади.

II. Жаҳон факторинг бозори: ҳолати ва тенденциялари

Ташқи ва ички факторинг бозори ҳажми 2023 йил давомида **3,7 трлн** еврога етди. Бунда ички факторинг сўнгги 5 йилда **2,2 трлн** евродан **3,1 трлн** еврога ёки **138 фоиз** ортган (3-расм).

3-расм. Халқаро ва маҳаллий факторинг амалиётлари ҳажми, млрд евро



Манба: Global factoring volume evolution 2003-2023. Source: FCI Annual Review 2024

Факторинг хизматлари глобал тенденциялари 2022-2023 йилларда турли минтақаларда ўсишга эришган. Жумладан, Европа давлатлари (2,3 фоиз) факторинг учун энг йирик минтақавий бозор бўлиб, Жанубий Америка, Африка ва Осиё-Тинч океани минтақалари ҳам ижобий ўсиш суръатига эришган бўлса, Шимолий Америкада (-10,7 фоиз) эса пасайиш кузатилган (1-жадвал).


1-жадвал. Глобал факторинг бозори статистикаси, млрд евро

Минтақалар	2022 йил	2023 йил	ўзгариши (%)
Европа	2 498,7	2 555,3	2.3%
Шимолий Америка	103,9	92,8	-10.7%
Жанубий Америка	124,1	144,5	16.4%
Африка	41,9	47,5	13.5%
Осиё-Тинч океани минтақаси	881,3	942,1	6.9%
Яқин Шарқ	9,4	9,4	0%

Манба: FCI маълумотлари

Факторинг амалиётларидан мижозларнинг фойдаланиш даражасини таҳлил қилишда мамлакатда жами факторинг операцияларининг ЯИМга нисбати муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. 2023 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткич энг катта улуш Европада, жумладан Испания (18,9 фоиз), Франция (15,5 фоиз), Италия (14,6 фоиз) давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Осиё, хусусан Хитой (3,9 фоиз), Туркия (2,7 фоиз) ва Япония (1,6 фоиз) давлатларида нисбатан пастроқ бўлиб, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2024 йил якунида 0,13 фоизни ташкил қилган (4-расм).

4-расм. Мамлакатлар ЯИМдаги факторинг амалиётлари ҳажми, фоиз



Манба: FCI маълумотлари

III. Факторинг хизматлари – Ўзбекистонда

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг кўчар активларга асосланган инструментларини ривожлантириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда молиялаштириш механизми – факторинг операцияларидан фойдаланишнинг янги тизими жорий этилди.

2024 йил сентябрь ойидан бошлаб электрон рақамли факторинг платформалар фаолияти йўлга қўйилди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари банкларига ташриф буюрмаган ҳолда, факторинг хизматларидан фойдаланиши мумкин.


Натижада, бугунги кунда **4 та, Озпланет, Финмакон, Факторинг.уз** ва **В2** электрон факторинг платформалари фаолият юритиб, уларга **26 та** тижорат банклари уланган.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2024 йилда факторинг хизматлари ҳажми **1,9 трлн** сўмга етиб, шундан тижорат банклари **1,6 трлн** сўми (85 фоиз) ва **0,3 трлн** сўми (15 фоиз) микромолия ташкилотлари томонидан тақдим этилган. (5-расм). Шунингдек, жами кўрсатилган факторинг хизматларининг **58 фоизи** ёки **1,1 трлн** сўми **электрон факторинг платформалари** орқали амалга оширилди (6-расм).

5-расм. Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган факторинг хизматлари ҳажми, млрд сўм




6-расм. Факторинг хизматлари ҳажми, млрд сўм



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари **банклар кесимида Асака банкда** 561 млрд сўмни (шундан, электрон платформа орқали 151 млрд сўм), **Ўзмилийбанкда** 304 млрд сўмни (270 млрд сўм), **Ўзсаноатқурилишбанкда** 162 млрд сўмни (122 млрд сўм), шунингдек **хусусий банкларда** жами 348 млрд сўмни (342 млрд сўм), жумладан **Капитал банкда** 96 млрд сўмни (96 млрд сўм), **Анор банкда** 50 млрд сўмни (50 млрд сўм) ташкил этган. Шу билан бирга, **микромоллия ташкилотлари** томонидан ушбу даврда жами 277 млрд сўмлик дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилди (7-расм).


7-расм. Кредит ташкилотлари кесимида 2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари миқдори, млрд сўм



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳудудлар кесимида 2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари асосий қисми Тошкент шаҳрида **1,4 трлн сўм** (76 фоиз), Навоий вилоятида **160 млрд сўм** (8,6 фоиз), Фарғона вилоятида **120 млрд сўм** (6,5 фоиз) ва Хоразм вилояти **31 млрд сўм** (1,7 фоиз) миқдорида шаклланди (8-расм).


8-расм. Худудлар кесимида 2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари миқдори, фоиз



Манба: Марказий банк маълумотлари

Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган факторинг хизматлари ҳажми 2024 йилнинг иккинчи ярмида, хусусан, ноябрь–декабрь ойларида сезиларли ўсиш юзага келган бўлиб, декабрь ойида **630 млрд сўм** билан энг юқори кўрсаткичга эришилган (9-расм).

9-расм. Кредит ташкилотлари томонидан 2023-2024 йилларда факторинг хизматларининг ойлик динамикаси, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари

Мижозларнинг ташкилий шакли бўйича кўрсатилган факторинг хизматларининг тақсимоотида энг юқори улуш масъулияти чекланган жамиятларга **1,3 трлн сўм** ёки **68 фоиз** миқдорида факторинг хизматлари кўрсатилган бўлиб, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга **360 млрд сўмни** (19 фоиз) ташкил этган (10-расм).

Мазкур факторинг маҳсулоти корхоналарнинг ликвидлигини яхшилаш ва операцион молиявий фаолият узлуксизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган.


10-расм. Факторинг хизматлари корхоналар ташкилий шакли бўйича таҳлили, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари

Муддатлар қирқимида кўрсатилган факторинг хизматлар тақсимоотида **30 фоизи** 121 кундан 180 кунгача, **23 фоизи** 61 кундан 90 кунгача, **21 фоизи** 30 кунгача, **16 фоизи** 31 кундан 60 кунгача ҳамда **10 фоизи** 91 кундан 120 кунгача бўлган муддатларга ажратилган (11-расм).

11-расм. Факторинг хизматлари муддатлари бўйича таҳлили, фоиз



12-расм. Факторинг хизматлари кўрсатилган иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимоти, фоиз



Манба: Марказий банк маълумотлари

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида факторинг хизматлари кўрсатилган бўлиб, уларнинг асосий қисми **савдо ва хизмат кўрсатиш** соҳасига **833 млрд сўм** (48 фоиз) ҳамда **саноат** соҳасига **800 млрд сўм** (42 фоиз) маблағлар йўналтирилган.

Шунингдек, бошқа соҳаларига ҳам босқичма-босқич факторинг хизматлари кириб келмоқда. Хусусан, **қурилиш** ва **қишлоқ хўжалиги** секторларида ҳар бири мос равишда **109 млрд сўмлик** (6 фоиз) ва **69 млрд сўмлик** (4 фоиз) дебиторлик қарздорликлари молиялаштирилди (12-расм).